

Дўстлик ҳурмати

15:20 / 22.04.2017 4641

Ҳикоя қилинишича бир киши донишмандлардан бирининг ҳузурига келиб, дўстидан шикоят қилибди ва у билан дўстлик алоқаларини узишни ҳамда ундан ўч олиш ниятида эканини айтибди. Шунда донишманд унга: “Сенга насиҳат қилсам унга қулоқ соласанми ёки ғазаб ўтига минганингча қолаверасанми?”, деди. Шунда у: “Йўқ, насиҳатингизга қулоқ соламан”, деди. Донишманд: “Унинг дўстлиги сабабли хурсандлигингиз кўп бўлганми ёки айбу-хатолари туфайли ҳам ташвишингиз кўп бўлганми”, деб сўради. У: “Хурсандлигим кўп бўлган”, деб жавоб берди. Донишманд: “У сенга кўп яхшилик қилганми ёки кўп ёмонлик қилганми?” деди. У: “Яхшиликлари кўпроқ бўлган”, деди. Шунда донишманд: “Ундай бўлса, у билан ўтган яхши кунларинг сабабли сен унинг айбларини кечириб юбор ва у билан бўлган хурсандчиликларинг туфайли ҳурматини жойига қўйгин. Ўрталарингдаги дўстлик ҳурмати сабабли ундан ғазабланиш ва ундан ўч олишни бас қил, зора, шунда фикрингдан қайтсанг. Агар душманчиликда давом этсанг, ўрталарингиздаги адоват кучаяда ва сен ёқтирмаган ишлар содир бўлади”, деди. (“Унвонул баён”дан)

Исломдан кейинги энг яхши неъмат яхши дўстдир. Агар бирортангиз биродаридан дўстикни сезса, уни маҳкам тутсин. (Умар ибн Хаттоб р.а.)

Агар тоат ибодатинга ёрдам берадиган дўстинг бўлса, унинг қўлини маҳкам тут, чунки дўстни тутиб туриш қийин, ундан ажралиш эса осондир. (Имом Шофеий р.а.)

Дўстларимиз биз учун аҳлимиз ва фарзандларимиздан кўра маҳбуброқдир. Чунки аҳлимиз бизни дунё сабабли ёдга оладилар, дўстларимиз эса охира сабабли ёдга олишади. Дўстларнинг сифатларидан бири – улар ўзларидан дўстларини устун қўйишларидир. (Ҳасан Басрий р.а.)

Эй ўғилчам, иймондан сўнг энг биринчи қиладиган ишинг содиқ дўст топишингдир. Содиқ дўстнинг мисоли дарахт кабидир. Агар соясида ўтирсанг, сени соясига олади. Агар унинг мевасини есанг, сени тўйғазади. Агарчи у сенга фойда бермаса ҳам, зарар ҳам бермайди. (Луқмони ҳаким)

Абдуллоҳ Ғофуров